

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР,
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

мавзусидаги илмий мақолалар тўплами

I қисм

*Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 20 йиллиги ва
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
80 йиллик юбилейларига бағишланади*



ТОШКЕНТ - 2011

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР,
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

мавзусидаги илмий мақолалар тўплами

I қисм

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 20 йиллиги ва
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
80 йиллик юбилейларига бағишланади

ТОШКЕНТ - 2011

“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2011. 1-қисм. – 500 б.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 80 йиллиги юбилейларига бағишлаб чоп этилаётган **“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар, муаммолар ва ечимлар”** мавзусидаги илмий мақолалар тўпламига профессор-ўқитувчилар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг ва бошқа ташкилотлар етакчи олимларининг илмий мақолалари киритилган.

Ушбу тўпламдаги илмий мақолаларда республикамиз миллий иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларида “ўзбек модели” номи билан мустақиллик йилларида амалга оширилган самарали ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар таҳлил қилинган. Саноатни, инфратузилмаларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг барқарорлигини ошириш, узок истиқболдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини янада оширишни таъминлашга қаратилган илмий мақолалар жамланган.

Масъул муҳаррир иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Х. Жумаев

Тахрир ҳайъати:

и.ф.д., проф. Б.А. Бегалов,
и.ф.д., проф. Н.М. Махмудов,
и.ф.д., проф. М.С.Қосимова,
и.ф.д., проф. Н.Г.Каримов,
и.ф.д., проф. Б.А.Хасанов,
и.ф.д., проф. Ш.Д.Эргашхўжаева,
и.ф.д., проф. Р.Х.Алимов,
и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев,
и.ф.н., доц. О.Х.Хомидов,
т.ф.н., доц. И.П. Шодмонқулов,
п.ф.н., доц. М.К.Хошимова.

Такризчилар:

и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов,
и.ф.д., проф. Б.Б.Беркинов.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорининг 04.03.11 йилдаги № 32 буйруғига асосан ушбу илмий мақолалар тўплами чоп этишга тайёрланди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгашининг 2011 йил 4 июлдаги қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

Мазкур тўпламга киритилган илмий мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2011.

ISBN 978-9943-333-66-6

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ушбу илмий мақолада хусусий тадбиркорликнинг асосий шаклларида бири бўлган оилавий тадбиркорликни самарали ривожлантиришнинг асосий иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмлари назарий жиҳатдан тадқиқ этиб, “Оилавий тадбиркорлик” тушунчасига янгича таъриф берилган. Унинг самарали ривожланиши негизида қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадлари ва моддий бойликларини оширишнинг устувор йўналишлари аниқланган.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришган йилларида бозор иқтисодий механизмларини самарали қўллаш натижасида 1991 йилдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги атиги 2 фоизлик улуши 2010 йилда 52,5 фоизга ўзгарди. Бугунги кунда меҳнат ресурсларининг 74 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада фаолият кўрсатаётганлиги ҳам мазкур сектор аҳолининг моддий турмуш тарзини оширишда асосий манбалардан бири эканлигининг тасдиғидир. Фақатгина 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлантириш натижасида 480 мингта иш жойлари яратилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда барпо этилганлиги оилавий бизнесни ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар шаклланишини ифодалайди.

Эришилаётган натижалар тадбиркорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмапти, деган хулосани бермайди. Бу имкониятлар натижаси янада самаралироқ бўлиши учун Президентимиз И.А.Каримов “Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасини кенгайтириш лозим. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнидаги энг муҳим тадбирлардан бирига айланиши лозим.

Мантиқан олиб қараганда, оилавий бизнес ва оилавий тадбиркорлик тадбиркорлик шаклларида биридир. У тушунча сифатида мамлакатимизда бозор иқтисодий механизмлари асосида хўжалик юритишда бошқа категорияларга нисбатан кам қўлланилаётган бўлсада, тарихан тараққиётнинг муайян йўлини босиб ўтган, мазмунан ўзига хос маънони ифода этади.

Бизнингча, оилавий тадбиркорлик – юридик шахс мақомидаги оилавий корхона аъзоларининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишдан уларни истеъмолчиларга етказиб бергунча бўлган жараёнлар билан шуғулланишидан табақалаштирилган меҳнат даромадларига эга бўлган ҳамда шахсий ва хусусий мулкка асосланган, аниқ бир мақсадга йўналтирилган хусусий тадбиркорлик фаолиятидир.

Қишлоқ аҳолиси учун оилавий бизнес билан бирга оилавий тадбиркорлик ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки оилавий тадбиркорликда муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан истеъмолчиларга етказиб бериш бўлган жараёнлар маълум бир оила аъзолари томонидан амалга оширилади. Бу жараёнларда маҳсулот етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, реклама қилиш, маркетинг тадқиқотини ўтказиш ва сотишдан тушган даромадларнинг аксарият қисми оила моддий бойлигини оширишга олиб келади.

Демак, оилавий тадбиркорликни самарали ривожлантиришда, қуйидаги асосий механизмларини амалиётга татбиқ этиш лозим:

- **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Қонун** ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашнинг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини яратиш;

- оилавий тадбиркорликнинг ташкилий тузилмасига оилавий корхона – юридик шахс мақомини бериш;

- хусусий тадбиркорликнинг оилавий шаклига солиқ юқининг оптимал чегарасини белгилаш;

- иқтисодий-молиявий ҳуқуқий мустақиллигини кафолатлаш;

- моддий-техник ва инновацион-технологик базаларини яратишга кўмаклашиш;

- оилавий бизнес-режалари, маркетинг дастурлари ва молиявий натижаларга асосан имтиёзли кредитларни тақдим этиш;

- оилавий тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувни чеклаш;

- ҳар бир оилавий тадбиркорлик корхонаси учун экспорт–импорт операцияларини эркин амалга оширишини таъминлаш ва бу жараёнларда уларга божхона тўловлари бўйича камида икки йил имтиёзлар бериш;

- зарурат бўлганда хўжалик шартномалари асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича семинар-тренинглار ўтказишни оилавий тадбиркорлик объектларининг ўзида ва илғор тажриба участкаларида ташкил этиш ва бошқалар.

Бу механизмларни татбиқ этиш оилавий тадбиркорликнинг самарали ривожланишинигина эмас, балки қишлоқ аҳолисининг моддий бойликларини қуйидаги йўналишларда оширишга замин бўлади:

- қиймат ва натурал кўринишлардаги иш ҳақлари икки ҳисса ва ундан кўп ортиши;

- асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш сифати яхшиланиши ва экинлар ҳосилдорлиги ошиши;

- янги ва самарали техника ва технологиялар базаси яратилиши;

- экологик тоза ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг молиявий натижаларига кўра соф даромадлар олинishi;

- оилавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар объектлари ривожланиши;

- молиявий-иқтисодий барқарорлик таъминланиши ва ҳ.к.

Оилавий тадбиркорлик кичик корхона сифатида ҳуқуқий мақомга эга бўлмоғи лозим. Унга хусусий тадбиркорликка бериладиган имтиёزلардан ҳам кўпроқ имтиёзлар берилишини қонуний кафолатлаш зарур. Агар оилавий тадбиркорлик корхоналари камида 2 йилга ер солиғидан қисман озод этилса, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш имконияти ортган бўлар эди.

Қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўладиган омиллардан бири техника таъминоти ҳисобланади. Бу тўсиқни бартараф этиш учун эса Марказий банк ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда узоқ муддатли кредитлар тақдим этиш, лизинг тизими асосида самарали минитехника ва технологияларни жалб этиш лозим.

Оилавий тадбиркорлик объектларига фаолиятининг дастлабки 2 йилида ишлаб чиқаришни унумли ташкил этиш учун имтиёзли нархларда минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситалари, чорва озуқалари ва сув ресурсларини харид этиш имкониятларини яратиш керак.

Бизнингча, деҳқончиликка ихтисослашган оилавий тадбиркорлик корхонасига ҳар бир аъзоси ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари учун яроқли 0,30 гектар ер майдони

ажратилиши унинг аъзолари йил давомида иш билан бандлигигина эмас, балки даромади ошишига, яшаш минимумлари билан таъминланишига ҳам олиб келади. Чорвачилик билан шуғулланаётган оилавий тадбиркорлик корхонаси аъзосига камида 5 га қишлоқ хўжалигига яроқсиз, лекин сув ва табиий ресурсларга эга бўлган яйловларни бириктириш керак.

Оилавий тадбиркорлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашда минитехнологиялардан чекланган ҳолда фойдаланишлари лозим. Акс ҳолда маҳсулотларнинг табиийлик даражаси, яъни сифатига жиддий зарар етиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашда йирик музлаткичлардан эмас, балки табиий музлаткич иншоотлардан самарали фойдаланиш товарлар таннархини пасайтирибгина қолмай, балки уларнинг сифатли сақлаш имконини ҳам беради, бу эса шу ҳисобдан кўпроқ даромад олинишига олиб келади. Бу борада кекса, тажрибали ва ишбилармон деҳқон ва чорвадорларнинг самарали иш фаолиятларидан тизимли равишда фойдаланиш лозим. Республикамизда тажрибали оилавий тадбиркорликни турли соҳалар бўйича ривожлантиришга асос бўладиган ҳудудлар ҳам кўп. Масалан, оилавий тадбиркорлик бўйича Ургут туманида тамакичилик, Чуст туманида ҳунармандчилик, Ёждувон туманида қандолатчилик соҳаларида катта тажриба тўпланган. Бу тажрибаларни махсус семинар-тренингларда ўрганиш, оммавий матбуотда батафсил ёритиш ва тарғиб этиш зарур.

Оилавий тадбиркорликда маҳсулотни ишлаб чиқаришдан то истеъмолгача етказиб беришга бўлган жараёнларни амалга ошириш учун тор ихтисосликларга эга кўплаб мутахассислар талаб этилади. Тўғри, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар сони ва сифати замонавий талабларга жавоб беради. Аммо жами қайта ишлаш, сақлаш ва реклама фаолияти бўйича кадрлар етарли эмас.

Бу борадаги масалани ижобий ҳал қилиш учун буюртмачиларнинг талабларига кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қайта ишлаш, сақлаш ва реклама фаолиятлари бўйича масофавий, кундузги 2-3 ойлик, кечки 4-6 ойлик курсларни ташкил этиш лозим. Уларда фақатгина маҳаллий технологияларни эмас, балки хорижий тажрибаларнинг ижобий томонларини ҳам ўрганишга тизимли ёндашилиши керак. Мазкур курсларда, шунингдек, хўжалик юритишнинг ҳуқуқий асослари, ахборот-коммуникацион технологиялари ва инглиз тилини амалий зарурат даражасида ўрганишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятида юқорида қайд этилган ўқув воситаларидан ташқари махсус ахборот-ресурс марказлари (кутубхоналар)ни ҳам ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Уларда, биринчи навбатда, тор ихтисослик бўйича ўқув адабиётлари, илмий-оммабоп рисоалар, мутахассисликлар бўйича газета ва журналлар бўлиши шарт. Оилавий тадбиркорлик корхонаси раҳбари ҳуқуқий, иқтисодий ва агротехнологик билимларнинг асосларини пухта билиши лозим. У, айниқса, иқтисодий йўналишлардаги бухгалтерия, молиялаштириш, солиқлар ва солиққа тортиш, банк иши каби фанларни чуқур ўзлаштириши керак.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосий механизмларидан бири мақсадли молиялаштириш тизимини қўлламасдан туриб юқори самара кутиш мумкин эмас. Оилавий тадбиркорларда фаолиятининг дастлабки 2 йилида ўз маблағи етишмовчилигини кузатиш мумкин. Бундай вазиятда молия муассасаларидан кичик миқдорда Марказий банк ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда қарз олиш мақсадга мувофиқ. Бунинг имкони бўлмаган тақдирда турдош хусусий корхоналардан қиймат ва натурал кўринишларда асосий ишлаб чиқариш воситаларини ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида қисқа муддатга ва паст фоиз билан қарзга олиш мумкин. Қайд этилган йўналишлардаги молиялаштириш юқори самара бермаган ҳолатларда унумли техника - технологияларни жалб қилишга зарурат пайдо бўлганда молиялаштиришнинг кичик миқдоридаги хорижий инвестиция турини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Оилавий тадбиркорликни самарали ривожлантиришнинг асосий механизмларидан бири – меҳнат даромадларининг табақалаштирилган тақсимотидир. Бунда меҳнатда иштирок этиш коэффициенти, яъни иш ҳақини тақсимлашнинг бригада шаклини қўллаш оила аъзолари ва

жалб қилинган ёлланма ходимларни тўғри моддий рағбатлантиришга олиб келади. Бизнингча, ҳар қандай турдаги меҳнат даромадлари оилавий тадбиркорлик корхонасининг энг юқори органи бўлган оила кенгаши мажлиси ва унинг қарори асосида тақсимланиши лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, катта миқдордаги молиявий, моддий ва табиий ресурсларга зарурат бўлмаганлиги сабабли оилавий тадбиркорлик объектларини меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган, лекин деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун яроқли ер майдонлари меҳнатга лаёқатли аҳолисига нисбатан кам бўлган ҳудудларда ташкил этган маъқул. Бу тегишли ҳудудда аҳолининг иш билан бандлигини ошириб, ишсизликни кескин камайтирибгина қолмай, иқтисодий самарадорлик ва меҳнат даромадлари ўсишига ҳам замин яратади.

Бизнингча, оилавий тадбиркорликни самарали ривожлантириш кўп жиҳатли ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва тарбиявий механизмлардан иборат бўлгани учун оилалар сони 100 тадан ортиқ бўлган қишлоқ жойларда хўжалик ҳисобидаги илмий-ҳуқуқий маслаҳат марказларини ташкил этиш лозим. Унинг асосий мақсади оилавий тадбиркорликнинг самарали фаолияти бўйича ташкилий - ҳуқуқий, иқтисодий, агротехнологик, техник, психологик ва бошқа механизмларнинг илмий асосланган маслаҳатларини бериш ва семинар-тренинглар ўтказишдан иборат.